



ЎЗБЕКИСТОН — ЕВРОПА ИТТИФОҚИ: ИККИ МИНТАҚАНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан суҳбатлашди.



Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди ҳамда 4 апрель куни бўлиб ўтадиган минтақаларо саммит ва иқлим форумига оид масалалар кўриб чиқилди.

Сўнгра давлатимиз раҳбари Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни,

энг аввало, савдо-иқтисодиёт ва инвестиция соҳаларида янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги фаол мулоқотлар ва сермахсул алмашинувлар, амалий ҳамкорликнинг институционал механизмлари доирасида самарали ишлар олиб борилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланишига таянмоқда.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш

ҳажми барқарор ортиб бормоқда. Европанинг етакчи компаниялари иштирокидаги инвестиция лойиҳалари портфели 30 миллиард евродан зиёди ташкил этмоқда. Мамлакатимиз Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг йирик бенефициари ҳисобланади, Тошкент шаҳрида Европа инвестиция банкнинг минтақавий ваколатхонаси очилмоқда.

Европа Иттифоқининг бош институтлари раҳбарлари Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар дастурини, шунингдек,

Марказий Осиёда яхши қўшничилик, ишонч ва шерикликни мустақамлаш борасидаги сиёсатни юксак баҳоладилар ва қатъий қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Музокараларда асосий эътибор инновациялар, “яшил” энергетика, тоғ-кон тармоғи, қишлоқ хўжалиги, транспорт, логистика, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда қўшма дастур ва кооперация лойиҳаларини илгари суришга қаратилди.

Туризм, маданият, фан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Бўлажак “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги биринчи олий даражадаги саммит кун тартибидagi масалалар ҳамда Европанинг “Глобал дарвоза” стратегияси доирасида икки минтақанинг ўзаро боғлиқлигини кучайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари, жумладан, Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўмаклашиш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен хузурда мамлакатимизда Европа инвестиция банкнинг минтақавий офисини таъсис этиш тўғрисида битим имзоланди.

1958 йилда ташкил этилган Европа инвестиция банки Европа Иттифоқининг етакчи молиявий институтидир.

Таъкидлаш жоиз, офиснинг Тошкент шаҳрида очилиши ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистонда ва умуман Марказий Осиёда “яшил” иқтисодиёт, инновацион sanoat ва замонавий инфратузилмани ривожлантиришга жалб

этилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш имконини беради.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Европа музокаралари якунида биргаликда дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен Самарқанд шаҳридаги Конгресс маркази хиёбонида икки туп эман эқдилар.

Кўчат экиш маросими Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида дўстлик, кўп қиррали ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тобора мустақамлашни бораётганининг яна бир рамизи бўлди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Антониу Кошта ва Урсула фон дер Ляйен Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасида бўлдилар.

Меҳмонларга халқимизнинг бетақрор бадий, хунардонлик ва мусиқий маданияти намойиш этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд саммитида иштирок этиш учун юртимизга келган Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) президенти Одиль Рено-Бассо билан ҳам учрашди.

Мулоқотда мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро молиявий институт билан кенг қўламли ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг амалий жиҳатлари атрофида кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани катта мамнуният билан қайд этилди. Устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳалар портфели барқарор кенгайиб бормоқда. Банкнинг мамлакатимиз иқтисодиётига

киритган жами инвестициялари 5 миллиард евродан ошди, жумладан, ўтган йил якунларига кўра қарийб 1 миллиард евро на ташкил этди. Молиявий кўмакнинг асосий ҳажми хусусий секторга тўғри келмоқда.

Мамлакатимиз бўйича ўрта муддатли Шериклик стратегияси самарали амалга оширилмоқда. ЕТТБ экспертлари кўмагида банк соҳасини трансформация қилиш ва бизнес учун имкониётларни кенгайтириш чоралари кўриломоқда.

Учрашувда лойиҳаларнинг ижроси сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш бўйича биргаликдаги ишлар ўз натижасини бераётгани қайд этилди. Жараёнларни мақбуллаштириш ва лойиҳаларни тайёрлашни тезлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини, шу жумладан, таълим, сув таъминоти, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш каби муҳим йўналишларда кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

“Яшил иқтисодиёт”, углерод чиқиндиларини камайтириш, рақамлаштириш ва сунъий интеллект, ипотека бозори, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва бошқа соҳалардаги дастур ва лойиҳалар ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Жорий йил июнь ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбирлари

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАРДА ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитида иштирок этиш учун Самарқандга келган Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашувлар ўтказди.

Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг самимий саломини етказди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустақамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йил якунларига кўра 1,1 миллиард доллардан ошган товар айирбошлаш кўрсаткичлари барқарор ўсиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Саноат, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргаликда “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси ташкил этилмоқда. Фаол худудларро мулоқотлар ва маданий-гуманитар алмашинув доирасидаги тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Бўлажак олий даражадаги икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама тадбирларга тайёргарлик кўриш, шунингдек, кенг қамровли ҳамкорлик бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари мулоқотида жорий йил 31 март куни Хўжанд шаҳрида ўтган олий даражадаги уч томонлама учрашувнинг тарихий натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Чегара масалаларининг тўлиқ тартибга солиниши минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очини таъкидланди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу ойда бўлиб ўтадиган Ҳукуматларо комиссия йиғилишида товар айирбошлашни кўпайтириш ва кооперация лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар минтақавий кун тартибидagi масалаларни, шунингдек, икки ва кўп томонлама тадбирларга тайёргарликни муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ҳам учрашув аввалида Хўжанд шаҳрида давлат раҳбарларининг уч томонлама учрашувини самарали бўлгани ҳамда давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисида тарихий шартнома имзоланганини алоҳида мамнуният билан қайд этидилар.

Олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари, хусусан, саноат, транспорт, энергетика ва инфратузилма соҳаларида муҳим кооперация

лоийҳаларини жадаллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари фаол худудларро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Бўлажак тадбирлар режаси ва минтақавий ҳамкорликнинг бошқа долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари учрашувда стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини икки давлат раҳбарларининг яқинда Оламота шаҳрида бўлиб ўтган норасмий учрашувда эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантириш ҳамда мустақамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари товар айирбошлашни кўпайтириш, иқтисодий лойиҳалар ва гуманитар дастурларни, шу жумладан, худудлар даражасида илгари суриш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриши муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга тушириш жараёнини тезлаштириш тўғрисида келишиб олинди.

Шунингдек, минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, олий даражадаги тадбирлар жадавали кўриб чиқилди.



ДУНЁНИ БИР НУҚТАГА БИРЛАШТИРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Бугун Ўзбекистон дунёни бир нуқтада бирлаштирмоқда. Бу бирлашувнинг азалий ва тарихий томirlари бор. Ўз даврида буюк Соҳибқирон Амир Темурутсалтанининг юраги бўлган Самарқандга бутун дунё интилган, талпинган. Нажот, ҳаёт, маърифат ва маданият шу ердан жаҳонга тарқалган эди.

Оламни ҳайратлантирган ҳамжиҳатлик

Ана шу тарихий илдизлардан куч олган Ўзбекистон дунё билан бўйлашмоқда. Биласизми, Ўзбекистон дастлаб ён қўшнларга кучоқ очди, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйди. Гапни битта қилди. Азалий дўстлик, яъни Марказий Осиё бир бутун, яхлит маконга айланди.

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРИХИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Шу кунларда жаҳон ҳамжамияти нигоҳи Марказий Осиёнинг юрагига жойлашган Ўзбекистонга қаратилган. 5-9 апрель кунлари Тошкент нуфузли халқаро тадбир — Парламентларо Иттифоқнинг 150-ассамблеясига мезбонлик қилади. Дунё эътиборидаги бу воқеа нафақат мамлакат ва минтақа, балки бутун дунё парламентлари ҳамжамияти учун муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда дунёнинг 181 мамлакатини, 15 кузатувчи давлат ҳамда 25 дан зиёд халқаро ва парламентларо ташкилотдан 2 мингга яқин делегат иштирок этиши кутиляпти.

Давоми 3-бетда

Давоми 3-бетда



Кун мавзуси

150 IPU ASSEMBLY Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

ДУНЁНИ БИР НУҚТАГА БИРЛАШТИРАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН

Бошланиши 1-бетда

Бу бирлик ва ҳамжиҳатлик бутун дунёни ҳайратлангирди. Дўстликнинг кучи, қудрати нима экани дунёга сезилди. Ҳақиқатан минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, оғизбирчилик улкан муваффақиятларга йўл очди. Ушбу йўл орқали дунё Ўзбекистонга оқиб келмоқда. Бу йўл Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммитига замин яратди.

Этибор беринг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигидаги саммитда Европа кенгаши Президенти Антониу Кошта, Европа комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов иштирок этиб, “Келажака сармоа киритиш” шиори остида қатор масалаларни муҳокама қилади. Ҳатто Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва Европа инвестиция банки раҳбарлари ҳам Самарқандда.

Энди савол туғилади: саммитда қандай масалалар кўриб чиқилади ва мулоқот учун нега айнан Ўзбекистон, Самарқанд танланди?

Авалло, Самарқанд ўзининг азалий мавқеи, имижини тиклаганини айтиш жоиз. Энг хавфсиз ва жозибали ҳудуд сифатида дунё нигоҳини ўзига қаратмоқда. Бу қадимий шаҳар азалдан савдо, фан ва дипломатия маркази бўлиб келган. Маданиятлар ва халқларни бирлаштиришга хизмат қилган. Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун энг қулай мулоқот майдонидир.

Саммитда, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари ва Европа Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларига этибор қаратилади. Инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, товар айирбошларини кўпайтириш, инновациялар, “яшил” энергетика, тоғкон, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика ва

Марказий Осиё давлатлари етакчилари ва Европа Иттифоқининг асосий институтлари раҳбарлари Самарқанд халқаро иқлим форумининг ялпи мажлисида ҳам иштирок этади. Демак, халқаро анжуман бу фақат саммит билан боғлиқ эмас, балки Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги боғлиқликни янада мустаҳкамлаш ва чуқур тарихий илдизлар, умумий манфаатлар ва яқин ҳамкорликка объектив интилиш билан чамбарчас боғлиқ.



рақамлаштириш соҳаларида қўша дастур ва кооперация лойиҳалари илгари сурилади. Қолаверса, маданият, туризм, фан, таълим ва бошқа устувор йўналишларда фаол фикр алмашинувлар ташкил этилади.

Марказий Осиё давлатлари етакчилари ва Европа Иттифоқининг асосий институтлари раҳбарлари Самарқанд халқаро иқлим форумининг ялпи мажлисида ҳам иштирок этади. Демак, халқаро анжуман бу фақат саммит билан боғлиқ эмас, балки Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги боғлиқликни янада мустаҳкамлаш ва чуқур тарихий илдизлар, умумий манфаатлар ва яқин ҳамкорликка объектив интилиш билан чамбарчас боғлиқ. Саммитнинг формати ноёб экани билан муҳим аҳамият касб этади. Яъни иқтисодиёт ва инвестициялар, барқарор ривожланиш, хавфсизлик ва рақамли трансформация муҳокама марказида бўлади.



Нодир ЖУМАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмита раиси

Жаҳон транспорт занжирининг муҳим бўғини

Келинг, энди Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга қисқача тўхталиб ўтсак. Бунинг учун охириги етти йилга назар ташлаймиз. Шу йиллар давомида Марказий Осиё давлатларининг ЕИ билан товар айирбошлари ҳамма тўрт баробар ўсди. 54 миллиард еврога етди. Ўзбекистон бу жараённинг энг етакчи иштирокчиси сифатида Европа бизнесининг Марказий Осиёга қизиқиши ошишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бугун дунё қалқиб турибди. Иқлим ўзгариши, глобал ишчи, қурғоқчилик, чўлланиш, сув танқислиги, табиғатдаги мувозанат бузилиши, саноатнинг жадал ривожланиши орқали атмосферага чиқиндилар ҳаддан ташқари кўп чиқарилиши каби муаммолар айни дам инсониятни чуқур ўйлантirmoқда. Мазкур муаммолар ЕИ ва Марказий Осиёни фаол ҳамкорликка чорламоқда. Бу бирлашув ва шерикликка эҳтиёж ниҳоятда катта.

Чуқур глобал ўзгаришлар ва иқлим муаммолари шароитида Европа Иттифоқи билан барқарор

учрашув ёки саммитни ўтказиш эмас, балки иқтисодий заруратдир. Бунда тенг ҳуқуқли шериклик ҳукм суради ва саммитда ана шу жиҳатларга катта этибор қаратилади.

Ушбу учрашув минтақамиз ва Европа Иттифоқи ўртасида ҳамкорлик ҳамда ўзаро боғлиқликни ривожлантиришда янги имкониятлар эшигини очди. Марказий Осиё жаҳон транспорт занжирининг муҳим бўғинига айланади.

Саммитнинг айнан Самарқандда ўтказилиши ҳақида фикр юритсак, у Ўзбекистоннинг халқаро имижини ва нуфузини ошишига хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. Анжуманга мезбонлик Ўзбекистоннинг минтақадаги етакчи давлат сифатидаги ўрни янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг очиқ, прагматик ва мулоқотга тайёр экани олдинга қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омилдир. Бошқа жиҳатдан қараганда, саммит Ўзбекистон учун муҳим сиёсий воқеа бўлибгина қолмай, амалий имкониятлар манбаи сифатида ҳам катта аҳамият касб этади.

Самарқандда ўтаётган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити халқаро муносабатлар тизимида муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. У нафақат икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлайди, балки минтақавий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва сиёсий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Осиё бозорларига йўл очувчи муҳим кўприк

Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг стратегик жойлашуви ҳам Европа Иттифоқи учун Осиё бозорларига йўл очувчи муҳим кўприкдир. Қолаверса, сўнгги саккиз йилда Ўзбекистон фақат ресурс етакчи бўлиб қолмай, балки интеллектуал ва иқтисодий шерик бўлишга тайёр давлат сифатида ривожланди.

Этиборли жиҳати шундаки, Самарқанд саммити Ўзбекистон ва минтақада атраф-муҳитини асраш ҳамда “яшил” лойиҳаларни кенгайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Орол муаммоси, сув ресурсларини бошқариш, иқлим ўзгаришига мослашув каби масалаларда Европа тажрибаси ва маблағларига Ўзбекистонда эҳтиёж бор. Бундай сармоялар киритилиши ҳам бежиз эмас. “Яшил” энергетика Европа Иттифоқи учун устувор йўналишдир.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий базиси йил сайин мустаҳкамланиб бормoқда. Этиборлиси, Брюссель сўнгги йилларда Марказий Осиёнинг бешта давлати билан Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолагани. Бугунгача Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркменистон Европа Иттифоқи билан бундай шартномаларни имзолади. Тожикистон ва Ўзбекистон мазкур ҳужжатни имзолаш арафасида турибди. Бундан Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё минтақаси ўртасидаги алоқалар ҳуқуқий мақомга эга экани кўринади. Бунда тенг ҳуқуқли ҳамкорлик амалий натижаси акс этиб турибди.

Самарқанд саммити Ўзбекистоннинг фақат дипломатик ютуғи эмас. У иқтисодий, ижтимоий ва экология соҳаларида ҳам ривожланиш драйверига айланади. Албатта, мамлакатимизнинг Европа билан алоқалари ҳар томонлама янги босқичга кўтарилиши халқаро миқёсдаги нуфузига ижобий таъсир ўтказди. Ўзбекистонни дунё танийди, тан олади. Ишбилармонларнинг кенг ҳудуд бўйлаб, иқтисодий йўналишдаги бизнесини очиқ ва эркин амалга ошириши учун имконият туғилади.

Масалан, 2024 йилда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи давлатлари ўртасидаги товар айирбошлар кўпайтириш қиймати 6,4 миллиард долларга етгани ҳам қувонарли натижа. Ёки 2023 йилга нисбатан бу кўрсаткич 5,2 фоиз кўпайгани Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини тасдиқлаб турибди. Европа капитали иштирокчи миндан ортқ корхона фаолият юритмоқда. Инвестиция лойиҳалари қиймати эса 30 миллиард еврога яқин ташкил этилмоқда.

Бу иқтисодий салоҳиятимизни юксалтириш билан бирга, мустақил ва суверен давлат сифатида обрў-этиборимизни ҳам оширади. Халқимизнинг ўз юрти, ватани тенглар ичра тенг, ўз сўзи ҳамда ўз овозига эга давлат эканидан гурурланишига имконият яратди. Бугун Ўзбекистон тўй оғушида, дунёдан тўёнлар келаётгандек. Бугун Ўзбекистон дунёни бир нуқтада бирлаштираётгандек кўринамоқда. Бу нуқта энг нурилу ва истиқболли маскан янги Ўзбекистондир! Халқаро анжуман эса унинг истиқболи порлоқ эканидан далолат бериб турибди.

2025 йил Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун халқаро сиёсий майдонда муҳим бурилиш нуқтасидир. Зеро, илк бор азим Тошкентда ташкил этилаётган анжуман нафақат диёримизнинг халқаро нуфузини янада ошириш, балки минтақанинг глобал сиёсий жараёнга интеграциялашувида ҳам муҳим қадам ҳисобланади.

ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРИҲИДАГИ МУҲИМ БОСҚИЧ

Бошланиши 1-бетда

Анжуман давомида жаҳоннинг нуфузли парламент делегациялари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, камбағалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, гендер тенгликка эришиш, илм-фан ва технологияни ривожлантириш ҳамда ёшларни қўллаб-қувватлаш каби ҳаётий долзарб мавзулар муҳокама этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бугунги мураккаб, шиддат билан ўзгараётган дунёда ижтимоий адолат, тенглик ва барқарор тараққиётга эришиш ҳар бир давлат, жамият учун муҳим вазифага айланган. Шу маънода, Парламентларо Иттифоқнинг Марказий Осиё тарихида илк бор Тошкент шаҳрида ўтказилган 150-йиллик ассамблеяси Ўзбекистон учун муҳим сиёсий ва стратегик воқеалиқ саналади.

1889 йил ташкил этилган Парламентларо Иттифоқ қонун чиқарувчи органлар орасида энг йирик ва нуфузли халқаро тузилмадир. 180 дан зиёд мамлакатни бирлаштирган ташкилот таркибида 15 минтақавий парламент, 15 кузатуви ташкилот фаолият юритади. Мазкур тадбирнинг юртимизда ўтказилиши “Ўзбекистон — 2030” ҳамда бошқа стратегик дастурлар доирасидаги илчил ислохотлар самарасини кенг халқаро жамоатчиликка етказиш учун ҳам қулай майдон ва имкониятдир.

2025 йил Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон учун халқаро сиёсий майдонда муҳим бурилиш нуқтасидир. Зеро, илк бор азим Тошкентда ташкил этилаётган анжуман нафақат диёримизнинг халқаро нуфузини янада ошириш, балки минтақанинг глобал сиёсий жараёнга интеграциялашувида ҳам муҳим қадам ҳисобланади. Ассамблеяси ўтказилган кўзланган асосий мақсадлар қаторига парламентларо ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва демократияни мустаҳкамлашни ҳам киритиш мумкин.

Яна бир нуфузли тадбир, шубҳасиз, куни кеча навқирон Самарқандда бошланган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур форум олдида дунёга машҳур ахборот манбаи — “Euronews”га берган интервьюсида Марказий Осиёнинг салоҳияти, жаҳоннинг етакчи давлатлари минтақамизга интилаётганига алоҳида тўхталиб:

“Марказий Осиё энди тарихнинг четиди эмас, балки ўз стратегик кун тартибиди шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий урда, юқори даражадаги ўзаро шиош ва қўша иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар яратди. Марказий Осиё бешлигида Ўзбекистоннинг раислиги даврида биз кўйидаги учта устувор йўналишга алоҳида этибор қаратмак: минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш ва экологик барқарорликни таъминлаш”.

Юқорида Президентимиз таъкидлаган уч муҳим йўналиш замирида кучли қонунчилик — парламент, ҳуқуқий салоҳият ва халқаро ҳамкорлик ётади. Шу маънода, Тошкентнинг 150-ассамблеяга мезбонлик қилиши минтақамизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириб, мамлакатимизни глобал сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантиради. Қолаверса, қонун ижодкорлиги, парламент назорати каби муҳим йўналишлардаги миллий тажрибамиз дунё ҳамжамияти, хориж парламентлари ва жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётгани ҳам ҳақиқат.

Бу натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Кейинги йилларда миллий парламентимиз ҳуқуқий демократик ўзгаришлар силсиласида ижтимоий-иқтисодий юксалиш жараёни ва ташқи сиёсатнинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Олий Мажлис фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган халқаро парламентларо ҳамкорлик янги таҳрирдаги Конституция ҳамда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасидаги кенг қамровли ислохотларга ҳамроҳ равишда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати

Ассамблея бу йил айни мавзуга муножрат қилмоқда. Зеро, парламентларга энди фақат қонун қабул қилувчи эмас, балки ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш, камбағалликни қисқартириш, тенг



Абдусайд КҶЧИМОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси

имкониятлар яратиш, инсон қадрини улуғлашда ташаббускор сиёсий субъект сифатида қараяпти.

Халқаро тадбир кун тартибидеги тинчлик ва хавфсизлик, инсон ҳуқуқи, иқлим ўзгариши, ёшлар ва аёллар фаоллиги, қуролли можоролар тасцири, БМТ билан ҳамкорлик каби долзарб йўналишлар ҳам қамраб олинган. Хусусан, Фаоллаштирилган вазият бўйича икки давлат мезонига асосланган ечимни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсий баёнот ва тинчлик ташаббуслари муҳокама марказида бўлади. Ёшлар форуми, аёл депутатлар учрашуви, сунъий интеллект, болалар ҳуқуқи ва иқлим масаласи бўйича алоҳида тадбирлар ҳам ўтказилиши кўзда тутилган.

Умуман, иштирокчилар глобал муаммоларни ҳал этишда парламентларолини кучайтириш бўйича илгор тажриба алмашиш имконига эга бўлади. Ишончим комилки, бу йирик анжуман самарали мулоқот ва муҳим қарорлар қабул қилиш учун қулай майдон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон тажрибаси рақамларда...

Ўзбекистон сўнгги йилларда ижтимоий тараққиёт ва адолатни таъминлаш борасида улкан ютуқларга эришди. Бу муваффақиятлар мамлакат етакчисининг ташаббускорлиги, инсонпарварлиги, узоқни кўзлагувчи юқори сиёсий салоҳияти, метин иродаси ва жонқурлик билан олиб бораётган қатъий ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ, албатта. Шу ўринда статистикага этибор қаратсак.

Жорий йил 102 турдаги ижтимоий хизмат маҳалла даражасига туширилди. Натижада ногиронлиги бор болалар учун мунтазам парваршилаш хизмати йўлга қўйилиб, кўплаб ота-оналарнинг ишланишига шароит яратилди. Ҳаракатлана олмайдиган 4000 нафар ёлғиз кексага ўз уйида ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Маҳаллаларда 95 минг мутож одамида ижтимоий ходим орқали ёрдам берилди. 51 минг кишига ногиронлик белгиланди ва имконияти чекланган 5000 бола боғча-мактабга жойлаштирилди.

Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси этиборда экани ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат принципи амалга оширилаётган ислохотларда ҳаётий тасдиқини топмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатини тўлиқ таъминлаш, қадр-қимматини улуғлаш давлат сиёсатида етакчи масалага айланган.

2017 йил бошқарув соҳасида хотин-қизлар ўртача 20 фоизни ташкил этган. Ҳозир бу рақам 35 фоизга етди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 38 фоизи, Сенат аъзоларининг 27 фоизи аёллар. Ўтган йил Олимпия ва Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз делегацияси таркибидеги хотин-қизлардан 3 нафари олтин, 8 нафари кумуш, 3 нафари бронза медални қўлга киритгани тарихда энг юқори натижа сифатида муҳланди.

Хулоса бундай: Ўзбекистон халқаро анжуманга ҳозир. Мамлакатимиз жаҳон парламентаризми тарихидаги муҳим босқич — инсон қадрини устувор қўядиган янги сиёсий йўл бошида турибди. Ассамблеяда қабул қилинадиган ҳужжатлар — декларация ва резолюциялар XXI асрдаги парламент фаолияти учун амалий “йўл харитаси” бўлиб хизмат қилади.

“Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги

Айримлар кишин-ёзин иш йўқлигидан нолишдан чарчамайди. “Томорқанга ул-бул эксанг бўлмайди?” дея маслаҳат берсанг, баҳонаси ҳам тайёр. “Деҳқончиликни тушунмайман, бунинг устига, бир парча ердан қанча ҳам фойда олардим”, дейди бошини қашлаб. Утлоқда бедана кўп, данғасада баҳона деб шунга айтишса керак. Аммо “излаган имкон топар”, дея томорқасидаги хар бир қарич ердан унумли фойдаланаётган юртдошларимиз ҳам йўқ эмас.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ўқиш учун QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

БИТТА ТОМОРҚАДАН УЧ МАРТА ҲОСИЛ ВА 500 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

Беруний туманидаги “Махтумқули” овул фуқаролар йиғинида яшовчи Фарход Бекимбаев уй атрофидаги 5 сотих майдонда 2 та иссиқхона қуриб полиз экинлари қўчатларини етиштирипти. 2024 йилда тажриба асосида иш бошлаган хонадон эгаси бу йил 5000 кўти қўчат етиштиришни йўлга қўйган. Мавсумий 4 ишчи билан қўчатларни қўтиларга жойлаб, иссиқхонада сақламоқда. Экин мавсумига тайёр ҳолатта келиши билан сотиш бошланади.

Асаларилик ва табиий асал йиғишда 40 йилдан ортиқ тажрибага эга Эржабон Матқурбоновнинг хонадонидан ҳам ишлар қизган. Хонадон томорқасида асаларилик, балиқчилик, бедана боқими йўлга қўйилган. Уттан йили 2200 килограмм асал олиб, 140 миллион сўм даромад кўрган уй эгаси бу йил ҳам яхши фойда илжинида ишларни бошлаб юборган. 200 бош бедана хар куни 100-140 донна туҳум беради. Худуддаги дўконларга топшириб, кунлик даромадга эга бўлмоқда. Эржабон Матқурбоновнинг 20 дан ортиқ шоғирди бор. Асаларилик йўналишида устоз-шоғирд аъёнасини давом эттириб келмоқда.

Беруний тумани бободоҳқонлар юрти, десак ҳақиқатини айтган бўларди. Хар қарич ердан самарали фойдаланиб келадиган тажрибали деҳқон томорқачилар бу йилги мавсумини ҳам февраль ойидан бошлаб олди. Бирлик маҳалласидаги Йўлдош Наримбетов томорқасидан йилга уч марта ҳосил олади. 31 сотих томорқада сазабот, полиз экинлари қўчатлари иссиқхонада етиштирилиб, хар йилги мавсумда Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистоннинг барча туманларида етказиб берилмоқда.

У эрта баҳордан томорқасига қарам эккан. Қарам май ойининг бошидан ҳосилга кириб ички бозорини таъминлайди. Йўлдош Наримбетов бу йил томорқадан 500 миллион даромад олишни режалаштирган. Мавсумий 10 ишчи қўчатларни парвартириш билан банд. Иссиқхона кўчатдан бўшагач, ўрнига ёзги полиз маҳсулотлари экилади. Ишнинг кўзини

билган хонадон эгалари меҳнатнинг таги роҳат, дея қўли қўлга тегмай ишлаяпти.

Беруний туманидаги “Беруний” овул фуқаролар йиғини ахли ҳам томорқадан самарали фойдаланиб, йилга 2-3 марта ҳосил олади. Худуднинг драйвер соҳаси чорвачилик ва деҳқончилик бўлгани боис, маҳалладаги камбағал оилаларга иссиқхоналар учун зарур барча анжомлар олиб берилган. — Қарамни январнинг 10 санасида, помидорни февралнинг 20 санасида экканмиз, — дейди саккиз йиллик иш тажрибасига эга томорқачи Оқназар Эшимбетов. — Иссиқхонамиз даромад ҳам ёмон эмас. Ҳар йили помидордан 150 миллион сўмгача даромад кўряпмиз. Бизга ўтган йили бир гектар ер ажратиб берилди. Энди даромадимиз қаррасига ортади.

Наманганлик деҳқонлар тажрибаси маҳаллий аҳоли учун ўрнак

Беруний туманидаги Олтинсой қишлоғида 265 та оила ижтимоий реестрга киритилган. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 март куни имзоланган “Маҳалларда томорқачилардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши асосида “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди.

Ойлик доирасида 20 оила танлаб олиниб, уларга ихчам иссиқхоналар қўриш ва қўчат етиштириш учун барча зарур жиҳозлар маҳалла томонидан бепул берилган. Асосий мақсад оилаларни камбағалликдан чиқариш ва доимий даромад манбага эга бўлишга ёрдам беришдан иборат.

Тумандаги “Янги зотли товуқлар 2022” қорхонаси инкубаторига 8 минута туҳум жўжа очиш учун қўйилган ва ҳозир мингдан ортиқ товуқ бор. Паррандачилик соҳасини ривожлантириш борасидаги қарорлардан келиб чиқиб, соҳага

янги технологиялар олиб кириш, асосан, аёлларни бу йўналишда иш билан ташминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Беруний туманидаги “Овод интенсив боғ” фермер хўжалиги ҳудудда экспортбоз узумининг “Ризамат ота”, “Келин бармоқ” навлари экилган. Шунингдек, олма, нок, шафтолининг энг саралари етиштирилмоқда. Қирқ сотих майдонда томчилик сўғориш технологияси асосида экилган бодринг қўчатлари 40 кўнча ҳосилга киради.

Айни пайтда плёнка остига тажриба тариқасида Намангандан келган деҳқонлар томонидан ўн минг донна тарвуз ва яна шунча эртагишар қовун уруғи қадалди. Бу йил ҳосил мўл бўлса, келаси йил янада кўпроқ жойга қовун-тарвуз экиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, бир гектар майдонга қунгабоқарнинг Хи-тойдан келтирилган экспортбоп “Mera” нави ҳамда маккажўҳори экиш бошланган. Наманганлик деҳқонлар Беруний тумани ерларидан олган ҳосилни экспортга йўналтиришни ният қилган. Боғ ҳудудида 20 дан ортиқ мавсумий ишчи меҳнат қилади. Кўчат етиштиришда Бўстон маҳалласининг тажрибаси республикада намуна бўлиб, қарийб 300 та хонадон бу иш билан шуғулланади. Хонадон эгасининг 12 сотих томорқасида 10 та иссиқхонада февраль ойида бошланган иш ўз натижасини бериб, сазабот ва полиз экинлари қўчатларини Бухоро ва Хоразмга, Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир, Нукус тумани ва Нукус шаҳрига етказиб бериш йўлга қўйилган.

Хулоса қилиб айтганда, Беруний тумани аҳолиси томорқадан фойдаланишда халқимизнинг минг йиллик деҳқончилик тажрибаси ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан ўйин ҳолда фойдаланиб, даромадини орттириш билан бирга юртдошларимиз дастурхонини сархил маҳсулотлар билан тўлдиряпти.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Коррупция — жамият танасидаги саратон

ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИНИ ТУГАТИШ МУМКИН

Агарки унга қарши курашиш хар биримизнинг виждон ишимизга айланса

Президентимиз 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишларни таҳлил қилиб, келгуси вазифаларни белгилаб берди. Давлатимиз раҳбари коррупция ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов эканини таъкидлади.

Камола ҲАМДАМОВА, ИИВ ЖХД Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати катта инспектори, капитан

Шундан буён барчамизнинг ҳаёлимизни бир орзу-истак банд қилган: миллий жамиятимизда маънавий софликка эришиш! Аммо бу истак ортида “Коррупцияни батамом тугатиш мумкинми?” деган савол турадики, унинг жавоби нихоятда қийин ва мавҳум.

Муаммага назарий жиҳатдан қараганда, ўрнатилган механизм бўйича коррупция ҳолатлари кескин камайиши керак-дек. Аммо реал ҳаёт асосида мулоҳаза қилганда бўлса, тараққиёт кушандасини тугатиш учун фақатгина қонунлар, кескин жазо чораларини қўллашнинг ўзи камлик қилади.

Келинг, шу ўринда бу иллатга қарши жамиятимиз, кенг жамоатчилик руҳидан келиб чиқиб курашиш моҳиятига эътибор қаратамиз.

Уттан йилларда коррупциянинг олдини олиш, унга барҳам бериш борасида катта ютуқларга эришдик. Биргина мисол,

мизнинг қўлига пул бериб, “Дўхтирнинг олдида чиқиб, манавини берсанг, тезда “справка” тўғрида беради”, дея коррупцияга ўргатамиз.

Шунинг учун биз оилада ўзимизни тарбиялаб олмасак, коррупция мойилликка қарши оилавий “эмланиш”ни йўлга қўймасак, бу ёқдаги чора-тадбирлар самараси кутилганидек бўлмайди.

Учинчидан, виждон тарбиясини шакллантиришнинг зарур.

Виждон — кишининг ўз хатти-ҳаракати, қилмиши, юриш-туриши учун одамлар, жамоатчилик олдидаги масъулият ҳисси. Шунингдек, у инсонийликнинг асосий белгиларидан биридир.

Демак, хар биримиз жамият олдидаги одамийлик масъулиятимизни англаб олсак, уни чуқур таҳлил асосида тушунсак, ўз-ўзидан коррупция элементлари ҳам барҳам топиб боради.

Тўртинчидан, ватанпарварлик туйғусини юксалтиришимиз лозим.

Юқорида коррупцияни тугатиш учун фақатгина қонунлар, кескин жазо чоралари қўллашнинг ўзи камлик қилишини айтдик. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг **фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни тарбиялаш мақсадида таълим**



коррупция ботқоғига ботган олий таълим тизими ундан тозаланди.

Хўш, бунга қандай эришдик? Аввало, тизим рақамлаштирилди. Дастлаб тест топшириб, тўплаган балига ўра олийгоҳни танлаш жорий қилинди. 35 турдаги ҳужжатни инсон омилиси олишга ўтилгани учун соҳадаги мурожаатлар 2,2 баравар камайди.

Бу эса хар қандай тизимда адолат ўрнатилса, фуқаролар учун қулай ва замонавий технологиялар асосида шароитлар яратилса, коррупция орта чекинишига ҳаётини намунадир.

Агар ўзимизни танқидий таҳлил қилсак, онгимизда катта ўзгаришлар юз берганига гувоҳ бўларимиз. Бугунги юртдошларимиз кечати кишилар эмас, умумийлик дунёқарашимиз, яшаш тарзимиз, жамиятдаги янгилашниларга муносабатимиз мутлақо ўзгарган. Буларнинг бари янги Ўзбекистондаги халқлик ислохотлар самарасидир. Бунда “инсон — жамият — давлат” тамойили ўз сўзини айтмоқда.

Лекин олдимизда ҳали узоқ йўл турибди. Биз жууда катта мақсадларни қўзлаганмиз. Шундай экан, эндики навбат — тараққиётимизга раҳна солувчи коррупцияга барҳам бериш. Бу ўринда барчамиз, аввало, ўзимизни ислох қилишимиз зарур бўлади.

Биринчидан, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз керак. Хар қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ортда ҳуқуқий билимлар таъсири туради. Уш ҳақ-ҳуқуқини билган фуқаро, аввало, тўғри йўлдан адашмайди, қолаверса, жамиятдаги муносабатларда хар қандай лавозимдаги киши билан мувозанат ўрната олади. Бу ҳам коррупцион муҳит юзага келишининг олдини олади.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашни оиладан бошлашимиз мақсадга мувофиқ. Оила микросоцида коррупцион муҳит энг оғриқли муаммомиздир. Фарзандлар даврасида ҳам бу мавзуда эркин гапиришга одатланиб қолганмиз. “Қўлига озгина бер, тезда ҳал қилиб беради, юрасамми сарсон бўлиб”, ҳатто, бола-

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИНИНГ ЁПИҚ ТИЗИМИ ИСРОФГАРЧИЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИ

Шарҳ

Экологик муаммолар кўпайиши, атроф-муҳит, табиат ифлосланиши турли ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Илгари об-ҳаво маълумотида магнит бўрони кузатилади ё бўлмаска, саратон пайти аномал иссиқ, қиш чилласида эса аномал совуқ бўлади, деган гапларни сира эшитмасдик. Хусусан, юртимизда охириги йилларда кузатилаган аномал иссиқ ва совуш айрим тармоқларнинг маънан эскиргани, ўрнига замонавий технологиялар жорий этиш зарурлигини кўрсатди. Масалан, ёзининг жазирамасида электр энергиясида узилиш кузатилади. Утган бир йили кишининг қахаратон кунларида кўп қаватли уйлارнинг иситиш тизимида турли муаммолар борлиги ойдinлашди.

Эсингиздами, пойтахтимизнинг айрим ҳудудларида чодирлар тикланиб, аҳоли учун вақтинча яшаш жойлари ҳам ҳозирланди. Иситиш тизими талабга жавоб бермагани учун айрим мактаб, боғча сингари ижтимоий соҳа объектлари фаолияти вақтинча тўхтатилди. Баъзи ҳудудларнинг марказий иситиш тармоғида узилиш юзага келган бўлса, иссиқлик таъминоти мавжуд хонадонларда харорат пастлигидан аҳоли кўп шикоят қилди.

Био-иншоотлар учун сарфланадиган энергиянинг 70 фоизи хонадонларни иситиш учун ишлатилиши ҳам изгиринда яхши натижа бермади. Бу тармоқни модернизация қилиш, бундай муаммоларга бошқа дуч келмаслик учун дунёнинг илгор тажрибасини қўллаган ҳолда, турли янгица механизмларни жорий этиш зарурлигини кўрсатди.

Президентимизнинг яқинда имзолаган “Уй-жой ҳамда био-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислох қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан келгуси беш йилда, яъни 2030 йилгача бу борада қилинадиган

ишлар белгилаб берилди. Соҳадаги туб ислохотларни самарали амалга ошириш, илгор хорижий тажрибани амалиётга сифатли татиб-қилиш мақсадида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида янги тузилма — “Иссиқликтаъминоти” акциядорлик жамиятини ташкил этилди.

Турли фармон, қарор, дастур ҳамда амалий лойиҳалар орқали атроф-муҳитни асраш, мамлакатимиздаги яшилликни сақлаб қолиш, табиатни тиклашга изчил сай-ҳаракатлар кузатилаётган. Айнққас, Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида ушбу чора-тадбирлар давлатнинг асосий стратегик мақсадига айланди. Иссиқлик энергияси билан таъминлаш тизими ҳам бу ислохотлардан четда қолгани йўқ.

Био-иншоотларни иситишда муқобил энергия воситалари ҳамда энергиятежамкор ускуналардан фойдаланиш юқоридан қайд этилган муаммоларнинг бирламчи ечимидир. Шу боис, янги барпо этилаётган кўп қаватли уйларида бу амалиётга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Янги Тошкентда барпо қилинадиган 15 минг хонадонда “яшил” энергиядан фойдаланиш назарда тутилган. Шунингдек, 1 нондан барча янги ва реконструкция қилинадиган биноларда қуёш панеллари, сув иситкичлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш мажбурий бўлади.

Бундай энергиятежамкор ускуналарни фақат янги уйларида ўрнатиш билан чекланмайди. Қарорга биноан шу йил Чиноз ва Олтиариқ туманларида иссиқлик насослари, қуёш панеллари ҳамда ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда тўрт қаватли уй-жойларни барқарор иссиқлик энергияси билан таъминлаш, энергия самарадорлигини ошириш учун уларни изоляциялаш тажриба тариқасида амалга оширилади. Кейинги йилларда эса бу тажриба алоҳида дастур сифатида бошқа ҳудудларда ҳам қўлланади.

Бундай янгилашнилар экология ва атроф-муҳит яхшиланишига хизмат қилади. Шу боис, биргина кўп қаватли уйларида эмас, хар бир вилоятда 100 тадан яқка тартибдаги турар жойга ҳам “яшил” имтиёзли кредитлар ажратиш орқали энергиятежамкор дераза ва эшик ромлари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (қуёш панеллари ва геотермоколлекторлар) ҳамда энергия тежовчи ускуналар ўрнатилади.

Бухоро вилоятидаги давлат ва ижтимоий соҳа объектларида эса шу йилнинг ўзида

иссиқлик насослари, қуёш панеллари ўрнатиш, фасадни изоляция қилиш ишлари бажарилади. Кейинги йилларда ушбу вилоят тажрибасига кўра, хар бир ҳудудда тўрттадан ижтимоий соҳа ва давлат муассасаларида қайта тикланувчи энергия манбалари, муқобил иссиқлик тизимлари ҳамда энергия тежовчи ускуналар ўрнатиш лойиҳалари амалга оширилади.

Энг катта янгиликлардан яна бири шуки, жорий йилнинг ўзида барча давлат мактаб-гача таълим муассасалари қуёш сув иситиш ускуналари билан таъминланиши назарда тутилмоқда. Тармоқда “яшил” энергиядан фой-

таъминоти қамрови 37 фоиздан 58 фоизгача етиб, йўқотишлар 38 фоиздан 20 фоизгача қисқаради.

Қарорга биноан, био-иншоотлар иситиш тизимининг бутунлай янгица механизми жорий этилмоқда. У “ёпиқ” иссиқлик таъминотида хар бир кўп қаватли уйнинг ертўла қисмида индивидуал иссиқлик пунктлари ўрнатиш орқали ташкил этилади. Бу механизм ҳозирги “очиқ” иссиқлик таъминоти тизимидан ортиқча исрофгарчиликка йўл қўйилмаслиги, харорат мўътадил сақланиши ҳамда борада тўлиқ маълумотлар тақдим этилиши билан ажралиб туради.



даланиш халқ ва давлат учун бирдек фойдали бўлади. Ортиқча муаммоларнинг олдини олиш билан бирга иссиқлик энергияси учун ажратилаётган сарф-харажат сезиларли даражада камайтиради.

Энергиятежамкор ускуналар ўрнатиш ва муқобил энергиядан фойдаланиш соҳа ривожига катта ҳисса қўшади. Аммо тармоқдаги барча муаммоларни бартараф этолмайди. Айнққас, қурилганига 40-50 йил бўлган кўп қаватли уйлارнинг иситиш тизими эскирган. Уларни янгилаш ҳам соҳага катта фойда келтиради. Шу боис, қарорда эскирган 103 та қозонхона ва 1,6 минг километр иссиқлик тармоғини янгилаш кўзда тутилмоқда. Жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида 9 та, халқаро молия институтлари иштирокида 13 та шаҳар ва туманда модернизация лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу билан марказлашган иссиқлик


Айни пайтдаги “очиқ” тизимда қозонхонадан узатиладиган иссиқ сувнинг бир қисми тўғридан тўғри коммунал-манший эҳтиёжлар учун ишлатилади. Иссиқлик энергияси манбаига қайтарилмай, оқибди юборилади. Шунингдек, жўмрақни очганда иссиқ сув келмаслиги ҳам сув исроф бўлишини охиради. Бу тизимда био-иншоотларга индивидуал “ақли” ҳисоблагичлар ўрнатилиб, хароратни назорат қилиб туриш имкони бўлади. Кўп квартирли уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларининг 480 таси 2025 йилнинг ўзидаёқ “ёпиқ” тизимга ўтказилади. Жорий йилда Андижон, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарлари, Бўстонлик ва Нуробод туманларида мазкур тизим амалга оширилади.

Санжар ТУРДИҚУЛОВ, журналист



ОИЛАЛАРДАГИ РУҲИЙ МУВОЗАНАТ

ЖАМИЯТ УМУМКАЙФИЯТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ



Барчамиз қайғу ҳиссини бошдан кечирганмиз, ўзимиз эришган ва эришмоқчи бўлган галабаларимизга шубҳа билан қараган пайтларимиз бўлган. Ҳатто келажақда бизни яхши кунлар кутаётганидан умидимизни ҳам узиб қўрганмиз. Аммо вақт ўтиши билан ҳаммаси ўз жойига тушиб, яхшиланиб, шижоат ва қувватимиз яна ўзимизга қайтган.



аниқланган: улар ўзига хос дунёқарашга эга, атрофдаги воқеаларни ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади ва ҳиссиётга берилувчан шахслардир. Кўпинча ҳаётдан қониқмай яшайди, ўз фаолиятига танқидий муносабатда бўлади. Бундай одамлар оила ва ишдаги муваффақиятсизликлар ҳамда мусибатли воқеаларни оғир қабул қилади. Ичкиликка тез руҳу қўйиши мумкин. Базан уларнинг турмуши ҳам беқарор бўлади, ёлғизликни ёқтиради, бирор ишни бошласа ёки раҳбарлардан топшириқ олса, уни мукамал бажаришга интилади. Арзимаган баҳодан жуда хурсанд ва арзимаган қойишдан қаттиқ хафа бўлиши мумкин.

ва қарахт бўлиб юради, ҳатто ўз жонига қасд қилишга уриниб кўради. Ўзининг тузалишига сира ишонмайди, даволанишга ҳам яқинларининг қистови билан келади. Жамиятдаги умумий кайфиятга доир саволингизга талабаларимга доимий берадиган қизиқ бир саволим билан жавоб берсам. Ёшларга маъруза ўқиган пайтим бундай дейман: “Хўш, анави эшикнинг бирига оиласидан азият чекканлар, иккинчисига эса оилалар ташқарида, ишхонада, кўча-кўйда қийналганлар кирсин деб ёзасан, ташқарида депрессияга мойил 100 киши турган бўлса, уларнинг катта қисми қайси эшикдан киради?”. Биласизми, талабаларимнинг жавоби нима бўлади: “оиласидан азият чекканлар”. Яъни талабалар оилادا руҳий травма олганлар кўпроқ деб билади ва таассуфки, уларнинг қарши тўғри.

ҳал қилишда катталарга хос иш тутмагани ёки келишиб яшаш масъулиятини танламагани учун бола қўрқув, жанжал, таҳдидлар ичига улғаяди. Натижада мустақил жуфт танлашда қийналади, ҳаётим ота-онамникига ўхшаб қолмасмикин, деб хавотирланади. Ўзидagi улкан масъулият ва айбдорлик ҳиссини ўзи билмаган ҳолда боласига ҳам сингдиради. Уни ўзининг кайфияти, муаммолари учун мажбуран масъулиятли қилиб қўяди. Депрессия шу тарзда авлоқдан авлоққа кўчиб юраверади. Оиладаги ҳар бир гап, хоҳ у дашном бўлсин, хоҳ у мақтов, сиз учун муҳим. Чунки сизнинг биргина оилангиз бор. Ишхонадаги кайфият ёқмас, истаган пайтда кетишимиз мумкин ёки танишлар даврасини янгилашдан кўн нарса йўқотмайсиз, аммо оила бошқача тушунча. Жамият оилалардан ташқил топади. Демак, бахтсиз оила қанча кўп



Юзлаб шундай оилалар ва шундай шароитда катта бўлган, бўлаётган болалар бор. Базиларига ҳавас қилсангиз, базиларидан ҳафсалангиз пир бўлади. Болани кўр-кўрона депрессияга мойил қилиб қўётган ота-оналар йўқ эмас. Масалан, ота-онасига ақл ўртақидан болаларни четдагилар “Вой, бирам ақли бола-да шу”, деб мақтайди. Унинг психологик муаммоларини эса бирор ҳал қилиб бермайди. Бола “ота-онага айланган қолдирган” оилаларда нима юз беради: у ўзининг вазифаларини ота-она ёрдамисиз, қўллаб-қувватлови ва ҳисмонисиз бажаради. Мактабга бориш, дарсларини қилишдан ташқари, ота-онанинг вазифасини ҳам елкасига олади. Айниқса, алкохолга муқассадан кетган ота-оналарнинг фарзандлари молиявий, эмоционал жиҳатдан ота-онанинг муаммоларини ҳал қилади, хўжалик ишларини бажаради. Укаларига раҳм-ўрлик қилади, онасини отасининг жисмоний ёки ҳиссий таҳдидларидан ҳимоя қилишга уринади. Шундай қилиб, бола болаликни кўрмай катта бўлиб қолади. Ота-она муаммоларини

бўлса, депрессия жамиятни шу даражада қамраб олади. Аксинча, оила қанча соғлом бўлса, жамият шунча соғлом бўлади. — Кузатувларингиздан келиб чиқиб, бугун болаларни соғлом тарбиялашда ота-оналардан нима талаб қилинишини айта оласизми? — Боланинг хулқ-атвори бузилмасин, дасангиз, кўп эмас, атиги иккита қондага амал қилиш керак: бири китоб мўтоласа, иккинчиси меҳнатга ўргатиш. Ўттиз уч йилдан бери давс бераман. Шоғирдларим базидача савол беради: “Устоз, китоб ва меҳнат бола учун нима қилиб бера олиши мумкин?” жавобим бундай: “Китоб болани илми қилса, меҳнат унинг ақли бўлиб воғта етишига кўмаклашадиган”. Илм ва ақл икки хил тушунча эканини ўзим гувоҳи бўлган ҳодисаларга таяниб асосласам: базини талабалар бор, ўзига бино қўйган, кайфу сафо болани кунни кеч қилади, енгил-епли ҳаёт кечиради, шу билан бирга, ўқиши аъло, илми ҳақиқатан юқори, аммо хулқ-атвори чатоқ, Чунки илм

олган, меҳнатда чиникмаган. Кунни қандай ўтказишни билади, аммо бирор марта бўлсин амал қилиб кўрмаган. Ота-она барча шароитни, имкониятни яратгани билан фарзанднинг тарбияси билан шугулланмас, бола эртага барибир атрофдагиларга бемехр, лоқайд, бировларнинг ва ҳатто ўзининг ҳаётига ҳам масъулиятсиз бўлади. Бола 12 ёшгача ота-онанинг айтганини қилади, ундан кейин ўз билганидан қолмайди. Бу ёшда унинг ўз “мен”и шаклланади, руҳиятига таъсир қилувчи саволлар пайдо бўла бошлаيدди. Шунинг учун тарбиянинг катта қисмини 12 ёшгача бериш муҳим.

Нима учун болаларда ҳам асаб бузилиши ҳолати кўп учрайди? Бунинг асосий сабаби нимада? Нотўғри тарбиями ёки бирор-бир касаллик асоратими? Иккаласиям бўлиши мумкин. Чунки нотўғри тарбия ҳам, бош мия касалликлари ҳам боланинг хулқ-атворини кескин ўзгартириб юборади. Боланинг мияси нафақат анатомик жиҳатдан катталашиб ва шаклланиб боради, балки ташқарида бўлаётган салбий ва ижобий маълумотлар ҳам хотирасида сақланиб қолади. Кўп ўтмай ота-она ҳам, жамият ҳам уларнинг натижасини боланинг хулқ-атворида кўради. Боланинг яшаш тарзи тақдирга асосланганини унутмаслик керак. Тақдир боланинг ҳаёт тарзидир. Эрта болалик даврининг тартиби, ўсимлик даври тугагунга қадар бола бошқаларга тақдир қилиб яшайди. Бу жуда катта давр. У нафақат ота-онани, атрофдаги қўни-қўшнилар ва мактабдаги ўқувчиларига, балки киноқаҳрамонлар, артистлар ва машҳур футболчиларга ҳам тақдир қилади. Буларнинг ичиде боланинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўп бўлиши мумкин.

Бизда ҳозир боламга тинчлантирувчи дори ёзиб беринг, уни ҳеч бошқариб бўлмапти, деб мурожаат қилувчи ота-оналар кам эмас. Бунинг асосий сабаблари боланинг тинчлантирувчи кўриши, компьютер ўйнаши ёки қўл телефонларидаги ўйинлар билан овора бўлишидир. Ахир ҳали 10 ёшга тўлмаган болага асабини тинчлантирувчи дори бериш унинг ақли ривожланишига салбий таъсир кўрсатмайди! Кейинчилик бундай болалар психологик ногирон бўлиб қолади-ку. “Доктор, боланинг хотирасини яхшилашни дори ёзиб беринг”, деб мурожаат қилувчилар ҳам йўқ эмас. Бундай боланинг ҳаёт тарзини яхшилаб ўргатсангиз, яна ўша аҳвол: доимо компьютер ўйнаши, телевизор кўриши ва қўл телефони ўйнаш билан бандлигини кўрасиз. Уларнинг нафақат асаби бузилади, балки юраги нимжон бўлиб ўсади, иштаҳаси йўқолади. Яхши овқатланмаган боланинг иммунитети пессайиб, тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолади ва натижада ҳадеб касал бўлаверади. Спорт тўғрисида қатнамаган бола энди шифокорга қатнай бошлаيدди.

Бола ҳам худди катталарга ўхшаб ҳаётда ўз ўрнини топишга интилади, атрофдагилар

этиборни қозонишни истаиди. Бу, албатта, яхши. Мазкур интилишни уйда ва мактабда ўз вақтида илгаб, болани илҳомлантириш ўта муҳим. Бу интилишларни этиборга омаслик ёки “қилаётган ишинг сенга керак эмас, сен ҳали ёшсан” каби иборалар ёки боланинг хатоларини рўқач қилиш энди куртак отаётган қизиқиларини йўққа чиқаради ва мустақил шахс сифатида шаклланишига тўсқинлик қилади. Агар ота-она болада бирор фан ёки хунарга қобилиятини сезиб қолса, унга ҳар томонлама ёрдам бериши зарур. Лекин болага керагидан ортиқча талаб қўйиш, дарс қилишга мажбурлавериши, кўчада бир оз ўйнагани кўймаслик салбий асоратларга олиб келади. Базини носоглом оилаларни биламан: 12-15 ёшли болалар қилиш керак бўлган муомалани 4-5 яшар болакайга қилади, ёш фарқи улар учун умуман қизиқмас.

Бундан ташқари, бу ҳақида китобимда ҳам ёзганман, болани тўрт терговчи — ота-она, буви, бува бирдек тергайверса, бола меҳрини қаердан олади? Табиийки, оилалар ташқарида, кўчадан излай бошлаيدди. Кўча етаклаб борадиган хавфли муволишлар эса ҳаммамизга маълум.

— Иجتимоий тармоқларда кўп кузатилган: айрим бешақат оналар боласига куч ишлатиб, ошқора таъинқ ўтказиш, калтаклашди, болани жисмоний ҳамда руҳий жиҳатдан қийнаб кўнгил таскин тогандек бўлади гўё. Нима учун бугун базини оилаларда тажовузкорлик кайфияти бор ва у юқори?

— Бундан йилгирма йиллар олдин содир бўлган воқеани айтиб берсам. У пайтлар ТошМИ (ҳозир Тошкент тиббиёт академияси)да наватчилик қилардим. Невропатологам. Одатда бемор травма билан келса, травматолог ҳам чақиршишга мажбур бўласиз. Ўн икки-ўн уч яшар бола олиб келинди. Шўрликни онаси шу даражада калтаклаган, кўриб йиллагингиз келади. Табиийки, травматолог чақирдим. Биз, аввало, инсон, кейин шифокоримиз. Онасини суриштирдим. Аёл эрдан ажрашган, руҳияти жойида эмас, ҳаётда кўрган бор азоб-уқубати аламини бечора боладан олган. Шундан ўзининг вазоҳатга тўйинган “хумор”ини бошган. Ўзим билмаган ҳолда онасига “саккиз йилдан кейин бунинг жавобини кутинг, дедим. Шу билан бу воқеа эсимдан чиқди. Лекин биласизми, чиндан саккиз йилдан кейин (мен буни тўққизтагани йўқ, бор воқеа) қўйгайи йиртилган, ҳаммаёғи моматалоқ ўрта ёшли аёлни бир балоғат ёшидан ўтган психолог, қўзлари ола-қула йитиб олиб кетди. Дастлаб қўниси деб ўйлабман. Йўқ, суриштирсам, ўғли экан. Ҳа, ўғил ўз онасини дўстпослабди. Хонага кирсин деб бурилишни билан онаси енгимдан ушлади. “Мени танимадингиз-а? Мен ўша — боласини урган аёлман. Саккиз йилдан кейин жавобини кут”, дегандингиз. Шундай бўлди, мен боланини, у онасини йўқотди”, деб ўқиниб гапирди. Ғалати бўлиб кетдим...

Бу воқеа билан фақат йўқсил, қийналганларда психологик бузилиш бўларканда деб ўйламаслигимиз керак. Оила носоглом бўлса, исталган табақда бу ҳолат юз бериши мумкин. Бадавлат одамнинг арза ўғли ҳам, камбағалнинг ҳаётдан норози фарзанди ҳам бир жойда топилади. Демак, жамиятни соғломлаштириш учун қўйиладиган биринчи қадам, бу — адолат. Ҳамма тоифадаги, ҳамма даражадаги одам учун бир хил адолат ўрнатилса, яъни бой ҳам, ўртақол ҳам фарзанди учун эга бўлган бор имкониятни, тарбияни, меҳрини бера олса, бундан келажак ҳам ютади, жамият ҳам ўз-ўзидан тарқайди. Эгиз. Юқорида айтиб ўтилган депрессия, тушунлик эса енгил ўтиш мушкул бўлмаган аҳамиятсиз тўсқинчага айланади.

Суҳбатни “Янги Ўзбекистон” мухбири Азизбек ЮСУПОВ ёзиб олди.

Параспорт

Жорий йил Таиландда пара велоспорнинг шоссё йўналиши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 12 та олтин, 9 та кумуш ва 5 та бронза медални қўлга киритиб, 15 давлат ўртасида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.



“ВАТАН ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ БАХТ”

Ушбу нуфузли беллашувада юртимиз шароити муносиб ҳимоя қилган иқтидорли ёшлар сафида фарғоналик матонатли спортчи Одинахон Ҳамдамов ва бор. У мазкур турнирнинг 22 ва 33 километрлик масофадан кейин пойма бахсларида 2 та олтин медални қўлга киритди. Бу ишончли галаба Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.

— Мусобақа голиб ва совриндорларини тақдирлашдаги ҳаяжонли дамларни сўз билан ифодалаб бера олмаман, — дейди велоспорт устаси. — Юртимиз байроғи баланд кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграган дамлар ҳаётимда унутилмас дақиқалар сифатида ёдимда қолди. Бундай нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиш, ватан шонини ҳимоя қилишнинг ўзи қанчалик бахт, шон-шараф. Бундан, албатта, ғурурдандим, устозларим, яқинларим ишончини оқлаётганим, меҳнат ва изланишларим бесамар кетмаётгани, мен ҳам бошқа ёшлар қатори юртим қорига яраётган фарзанд бўлиб камолга етаётганимдан фахрландим.

Кўштепа тумани Катта Бешкапа қишлоғида оддий оқилда дунёга келган Одинахон ёлғизлибди қолади. Эман-эркин ҳаракатланишига қийналса-да, тушунликка тушмади, ўксинмади. Яқинлари меҳрини ҳис қилиб

яшади, бундан куч-қувват олди, ҳаракат қилди, интиди, изланди. Фарғона шаҳридаги 86-мактаб-интернатда бошланғич фанларни ўзлаштириди, касб-хунар ўрганишга ҳаракат қилди. Ушбу мақсади уни имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежига етказди. Бу ерда меҳридор устозлар кўмағида 3 йил чеварликни ўрганди. Гарчи моҳир чевар бўлмасда-да, сабр-бардош, чидам, ўз мақсади сари интилиш каби ҳаётий сабоқларни ўрганди, одамларга меҳр бериб, меҳр топди.

Ҳаётда қутилмаган тасодиф ва ҳодисалар кўп. Уйда ўз юмушлари билан андармон бўлиб ўтирган Одинахонни Ўзбекистон Адаптив спорт турлари ассоциацияси Фарғона вилояти бошқармаси мутасаддилари йўқлаб келди. Кўштепа тумани марказий

ўйингоҳида машгулот ўтказётган вилоят пара спортчилари сафида ўзини синиб кўришни маслаҳат беришди. Шу тариқа унинг жисмоний имкониятларини бир неча босқичда синовдан ўтказган мухтаassisлар таълим ва паралимпия спорт турларида тайёрловчи марказда ўқинишга тақдир этилди. Бу кун Одинахоннинг ҳаёт тарзи, дунёқарашиде янги саҳифа очди. Пара енгил атлетиканинг найза, диск улоқтириш йўналишларида машгулотларда иштирок эта бошлади. Мурабийлар кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш, ўз имкониятларидан тўғри фойдалана олиш каби хислатлар тез орада ўзининг ижобий самарасини берди.

Спортчи қиз вилоят ва мамлакат миқёсидеги мусобақаларда қатор ютуқларга эришди. Дастлаб Дубайда ўтказилган гран-при мусобақасида совриндорлар сафидан голиб олиб, мурабийларини ишончини оқлади. Бир неча бор Осиё йўналиши ва чемпионати шохуспасига кўтарилди. Бу муваффақият унга янги имконият эшикларини очди — Одинахон Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг енгил атлетика йўналишига ўқинишга қабул қилинди.

Еш спортчи жисмоний имкониятлари, интилишларини ҳисобга олган устозлар тавсияси билан пара велоспорт тури билан шугуллана бошлади. Бу йўналишда ҳам тенгуларидан кам бўлмаслиққа, мавжуд шароит ва имкониятлардан тўғри фойдаланишга астойдил ҳаракат қилди.

— Фарғонанинг Тўмарис кизи сифатида танилган иқтидорли спортчи билан ҳақиқ

олиш, ишонч, аниқ мақсадларсиз галабага эришиш осон кечмайди. Айтишларича, спортчи оддий шомол тезлигини ҳис қилган ҳолда керакли хатти-ҳаракатларни бажара олиши муҳим экан.

Одинахон нафақат спорт соҳасида, балки маҳалла ёшлари орасида ҳам ўз хулқи, одоб-ахлоқи, ҳаётга иштиёқи, мавжуд имкониятлардан тўғри мақсад йўлида фойдалана билиш қобилияти билан кўпга ийбат, намуна бўлиб келаётган ёшлардан.

— Таиландда ўтказилган Осиё чемпионати шукуҳи маҳалламизда ҳанузга қадар тилдан тилга кўчиб юрибди, — дейди “Катта Бешкапа” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси Фахриддин Турсунов. — Чемпион ҳамқилишганимиз ёшларга матонат, ирода, сабр-тоқат тимсоли сифатида танилди. У қўлга киритган ютуқлардан илҳомланиб, спорт машгулотларига зўр бераётган ёшлар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Маҳалламизда 1047 йитиг-қиз камолга етмоқда. Уларга керакли шарт-шароит яратиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш, иқтидорларини аниқлаш, қўллаб-қувватлашга алоҳида этибор берилмиш. Айни кунда “Беш ташаббус олимпиадаси” ўйинлари саралаш бахсларида иштирок этишмиш. Худудимиздаги 33-, 46-мактабларда волейбол, футбол йўналишидаги тўғарақлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Одинахон қўлга киритган ютуқлардан руҳланган ҳолда велоспорт йўналишида спорт тўғарағи очини устиде ишлашмиш.

Наврўз байрамини чемпион қиз яна бир қувончли воқеа билан кутиб олди. Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан унга Фарғона шаҳридаги жошадар — “Янги Ўзбекистон” массивида янги хонадон тўхфа қилинди.

Этибор ва рағбатдан куч-қувват олган спортчи жаҳон майдонларида бундан-да юксак натижаларни қўлга киритиш, тўрт юксак натижадан нуфузли беллашуварда юртимиз байроғини баланд кўтариш мақсадида машгулотларга зўр бермоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



31 март кунини Хўжад шаҳрида Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлат раҳбарлари уч мамлакат давлат чегаралари туташ нуктаси тўғрисидаги шартномани имзолагани тўғрисидаги хабарни эшитиб, беихтиёр, "огизбирчилигимиз йўқолмасин", дея эсимга фотиха тортидим. Сўнг ҳужжатнинг мамлакатларимиз тотувлиги рами, тараққиёт пиллаповларида илдамроқ одимлаш йўлидаги залворли қадам, катта тарихий аҳамиятга эга экани ҳақида ўйладим. Ахир бу натижага кеча ё бугунги ҳаракатлар билан эмас, 6-7 йиллик тизимли ташаббус ва мақсадли режалар асосида эришилади. Шулар тўғрисида мулоҳаза юритар эканман, қўшни давлатларимиз билан бўлган минг йиллик қўшничилик, аҳил-иноқлик, абадий дўстлик

Нуронийларимиз дуога қўл очар экан "огизбирчилигимиз йўқолмасин", дея юзига фотиха тортади. Оғизбирчиликда гап кўп. Бу иборанинг маъноси аҳиллик, дўсту биродарлик, дегани. Энг асосийси, бир хил мақсад билан бир жойга йиғилган турли инсонларга нисбатан айтилади.

занжирнинг коррозияга учрай бошлаган кунлари кўз олдимдан кино тасмасидай бир-бир ўтди.

Икки қўшни орасидан ола мушук ўтиб, дарвозаларга каттақон қўлф осилса, бу келишмовчилик жабрини энг кўп ким тортади? Албатта, кечанига ака-ука, опа-сингил, жон-жигар бўлиб, бирга ўйнаб юрган болаларга қийин бўлади. Ёпиқ дарвозалар, баланд деворлар уларнинг қайтиб дийдорлашувига тўсиқ бўла олар, аммо меҳр-муҳаббат, кўнгиЛ боғларини уза олмайдими.
Ҳа, қўшни юртлар билан неча йиллар давом этган совуқ муносабат халқларимиз учун катта бир синов даври бўлди. Илдирилар бир, урф-одат, қадриятлари ҳаммадан, минг йиллик куда-анда, қариндош-уруғ бўлиб кетган инсонларимиз муайян вақт дарду ҳасрат ичида қолди. Келинг, болалик хотирларимдан бирини сизга сўзлаб бераман.

Эсимда, туни билан пиқиллаб йиллаб чиққан онамнинг ҳоли паршон эди. Унинг кўзлари қизариб, ишиб кетганини кўриб, менинг ҳам ўлкам тўлиб турарди. Аммо воқеанинг неси йиллаётганини билмаганим учун кўзларимдан сира ёш тўкмакмасди.

Ноншита вақтида онам зарда билан "Бугун мен чегарага бораман", деди.

Отам оғизига солган луқмасини чайнашдан тўхтаб, "Фойдаси йўқ, ахир виза ололмадик-ку", деди кўйинчақ оҳангда.

Отам "Барбир бораман, отамни сўнги йўлга кузатмасам, қандай фарзанд бўлдим ахир", дея тагин кўз ёш қилишига тушибди.

Отам ўртача чўккан бир оз сукутдан сўнг севкинча юзига фотиха тортиб, ўридан туриб кетибди.

Уша кунни онам билан одамлар турнақатор навбатга тизилган дарвоза ёнига бордик, аммо уша яқинлашмасан, она вақт термилиб ўптурдик. Юзига тушган томчилар осмонимизни қопласан қора булутлардан тусган ёмғирини ёки онамнинг кўз ёшлари, аниқ эсимда йўқ...

...Кейинчалик англаб етдим. Ушанда Тожикистонда яшайдиган бобом вафот этган экан. Виза ололмаганим тўғрисида онам отамнинг жаноҳасида қатнаша олмабди.

Бундай хотиралар биргина менда эмас, ўша даврларда қариндошлари қўшни мамлакатларда яшаган кўпгина юртдошларимизда бор. Ўша даврларда халқимиз орасида ўн-йигирма йиллаб ота-онани кўролмаган аёллар, ака-укалари дийдорига тўя олмаган қандайдан қанча инсонлар бор эди.

Юртдошларимиз ҳаётида кўз ярадек из қолдирган ушбу маъшум кунлар давлатимизнинг



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётда ҳам кўп йиллик турғунликка сабаб бўлган. Айниқса, Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган Ўзбекистон остона ҳатлаб дунё давлатлари билан ҳамкорлик қилиши, савдо-сотик, хорижий инвестицияларни жалб этиши учун қўшни давлатлар билан чегараларнинг ёпиқлиги яхшигина тўсиқ бўларди. Хусусан, бир тадбиркор ўз мақсулотини экспортга чиқариши ёки хомашё импорт қилиши учун фақатгина ҳаво йўлларидан фойдаланишга мажбур эди. Бу эса мақсулот таннаҳини сезилари даражада оширарди.

Нотинг ҳудуд сифатида қаралгани тўғрисида чет эллик сармоядорлардан мамлакатимизда йирик бунёдкорликлар учун катта инвестиция жалб қилиш имкони дярли йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, ёпиқ эшикларимиздан тараққиёт эпкинни ичкари қиролмасди.

Сиёсий вазиятнинг бундай тантаналашувига минтақадаги умумий ресурслардан ҳамма ўзара маънавиятлашмасдан фойдаланиши, хусусан, давлат чегараларидаги муаммоли ҳудудларни барча ўзиники деб ҳисоблаши сабаб бўлди.

Шунингдек, ташқи кучларнинг геразли мақсадда давлат ва халқларимизни бир-бирига гижтжлашга уриниши, атайлаб ивго тарқатишга юқоридagi омилар кўл келарди. Вазият шунчалик қуқуриладики, ҳатто маданий ёдгорликлар, халқ достонлари ёки улуг бобокалонларимиз ҳам давлатларимиз ўртасида талаш бўлди. Ҳозир ўтган воқеаларни хотирлашинг, ким айбдор, ким сабаби, аслида, ким ҳам, дейишнинг умуман фойдаси йўқ.

Бу воқеалардан чиқарилиши зарур бўлган ягона ҳалол сифатида диолог олим Қоқоқбой Йўлдошломас эдиқ. "Ота ҳеч бир замон бирор ўғилга тегишли бўлмайдми. Ота ўнга фарзанди бўлса, уларнинг барчасига бир хил ота бўлиб


қолаверади. Бу фақат менинг отам дейиш қанчалик ақлга сиғмас иш бўлса, халқларимизнинг умумий моддий-маданий мероси, бобокалонларимизни ҳам фақат бизнинг халққа тегишли дейиш нотўғри", деган сўзларини келтириш ўринли.

Бу фалсафани теран англаган, халқ дарди, ўй-хаёлларига қулоқ тутган Президентимиз давлат раҳбари бўлгач, халқчи ислохотларини амалга оширди. Шулардан бири, албатта, қўшни мамлакатлар билан дўстона, кучли ҳамкорлик алоқаларини тиклаш бўлди. Давлатимиз раҳбари бугунги тахликал замона мен деган ютқази, биз деган ютади, дея бирлашмиш, ўзаро ҳамжиҳатликда тараққиёт этиш даври келганини бот-бот таъкидлади.

Қувонарлиси, бу ташаббус қўшни юртлар томонидан катта хурсандчилик билан қарши олинди, хайрихоҳлик билан қабул қилинди. Жумладан, 2018 йилда биргина Тожикистон билан боғлайдиган 8 та автомобиль назорат пункти фаолияти тикланди. 20 йилдан буён ишламаётган Ғалаба — Амузган — Хошадди темир йўл линияси ишга тушди.

Шунингдек, 2021 йилдан Тошкент — Душанбе — Тошкент мунтазам парвозлари, 2022 йилдан Самарқанд — Душанбе, Панжикент — Самарқанд халқро автобус қатновлари қайта йўлга қўйилди. Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида 5 та, жумладан, Тошкент — Хўжад янги автотранспорт линияси очилди. Уша йилдан Тошкент — Душанбе йўловчи поезди қатнаб бошлади.

Демак, ҳозир юртдошларимиз Тожикистонга иқтисодий транспортда, истаган вақтда бориб кела олади. Бунга 2018 йилда икки давлат ўртасида виза режими бекор қилиниши имкон берди.



Қўшни Қирғизистон билан эса бу йўналишда янада катта натижаларга эришилган. 2009 йилдан бери ёпиқ турган "Мингтепа" ва "Хонобод" каби ўзбек-қирғиз чегара божхона постлари очилди. Андижон, Фарғона вилоятларидан Қирғизистонга автобус қатновлари йўлга қўйилди. Поезд ҳаракати тикланди.

Айни пайтда икки мамлакат фуқаролари ўз паспортлари, миллий ID карталар билан бориб кела олади.

Яратилган қулайлик ва имкониятлардан фойдаланиб, одамлар фақатгина қариндош-уруғини кўргани эмас, саёҳат мақсадида ҳам келиб кетмоқда. Хусусан, ўзбекистонликлар Қирғизистондаги Иссиқкўл атрофида дам олиш масканларига тез-тез бориб туради. Ўтган йилги кўл қирғоғидаги 4 та пансионатнинг ўзбекистонга тақдим этилиши фуқароларимизнинг ҳудудга қизиқшини янада оширди. Тожикистон, Қирғизистон фуқаролари ҳам саёҳат, тарихий қадамжоларимизни зиёрат қилиш мақсадида юртимизга келмоқда.

Биргина жорий йилнинг январь-февраль ойларида Ўзбекистонга энг кўп саёҳатчи (422 минг 591 нафар) Қирғизистондан келган бўлса, иккинчи ўринни (401 минг 377 нафар) Тожикистон фуқаролари эгаллагани ҳам сўзимизни исботлайди.

Халқимизда меҳр кўзда, деган ибора бор. Ушбу ислохотлар халқларимиз жипслигини, ўзаро тотувлик, дўстлик алоқаларини янада кучайтирди. Бу эса мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳам янги босқичга олиб чиқди.

Жумладан, Тожикистон билан 2018 йилда стратегик шериклик алоқалари ўрнатган бўлсак, 2024 йилда иттифоқчи давлатларга айландик. Ўтган қисқа фурсатда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мисли кўрилмаган даражада кўтарилди. Тожикистон Ўзбекистоннинг тўртта иттифоқчи давлатидан бири экани икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий алоқалар нечоғлиқ мустақамланиб бораётганини кўрсатиб турибди.

Охириги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо-сотик, товар айирбошлаш ҳам каррасида ортди. Хусусан, сентябр 7 йилда ўзаро савдо ҳажми 197 миллион АҚШ долларидан 700 миллион долларга ошди. Бу вақтда Ўзбекистонга Тожикистон экспорти 3,5 баравар, Тожикистонга ўзбек экспорти 4 баравар кўпайди.

Бундай жозибадор рақамлари Қирғизистон билан ҳам келтириш мумкин. Қирғизистон Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари

ўнатишга кирган. 2023 йил якунига қўра, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард долларга яқинлашди, яъни 2016 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп. Икки мамлакат ўртасида Стратегик савдо-иқтисодий шериклик тўғрисида 2023-2025 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган.

Юқоридagi рақамлардан ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига катта ҳисса қўшаётганини англаш мумкин. Иқтисодий ҳамкорликимиздаги ўсишда "катта сакраш" ўз бергани келгусида бундан ҳам юқори марраларни бемалол кўзлайтириш мумкинлигидан дарак беради.

Кунги кеча рўй берган тарихий воқеа — Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч мамлакатнинг давлат чегаралари туташ нуктаси тўғрисидаги шартнома имзоланиши мамлакатларимизнинг ҳар томонлама кенг қўламли ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқди. Қад ростлаган Дўстлик стеласи эса абадий дўстлигимиз нишониси сифатида бугунги тарихий воқеалар узок йиллар унутилмаслигига замин яратди.

Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркменистон чегараларини туташ ҳудуди тўғрисидаги шартнома илгарироқ имзоланган эди. Энди Марказий Осиёдаги чегаравий муносабатлар буткул истиқболли ечим топти, дейишимиз мумкин. Илгари ўз муаммоларига ўралашиб қолган давлатларимиз — Ўзбекистон, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон бир мушл каби жипслашиб, фақат тараққиёт сари дидди қадамлар билан илдамлашди. Бу эса бутун дунёни ўз нигоҳини минтақамизга қаратишга, муҳим халқро масалаларда биз билан ҳисоблашишга мажбур қилади. Халқро минбарларда давлатларимиз овози бутун бир минтақани тамсил этиб, янада залворли, аҳамиятли бўлишини таъминлади.

Дунё аллақачон Марказий Осиёни катта бир куч, ажралмас геосиёсий ҳудуд сифатида кўра бошлаган. Бунга "Марказий Осиё плюс" саммитлари ўтказилаётгани ҳам яққол мисол бўла олади. Марказий Осиё давлатлари мана шундай бирлик, ўзаро ҳамкорлик орқали минтақадаги муаммоларини осонроқ ҳал этади. Тараққиёт пиллаповларида илдамроқ одимлашди. Уларга эса кунги кеча имзоланган келишув ва шартномалар мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

**Санжар ЭШМУРОДОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Тотувлик

Сурхондарё уч қардош давлат билан чегародош. Бугун воҳанинг 724 маҳалласида 720 минг 500 дан ортқ оила мавжуд. Роботоғдан Бойсунтоғгача кенг ястанган, Сурхондарё қоқ иккига бўлиб жануб томон эниб оққан бу манзилда 20 дан зиёд миллат ва эллик вакиллари осуда, обод ва тўкин яшамоқда. Катта қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланаётган Сурхон воҳасидаги янгиланишларнинг асосий бунёдкори улуг мақсадлар сари дадил одимлаётган кўп миллатли сурхондарёликлардир.

Кейинги йилларда ташқи сиёсатда "Марказий Осиё руҳи" деган тушувча юзага келди. Бу атаманинг яққол ифодасини кейинги кунларда Ўзбекистон раҳбарининг қўшни ва қардош мамлакатлар давлат етакчилари билан қўриб урчушувари натижалари мисолида ҳам кўриш, кузатиш мумкин. Яқинда Тожикистоннинг Хўжад вилоятида бўлиб ўтган расмий тадбирларда бу рух янада яққолроқ кўринди.

Шу кунларда жойларда, хусусан, Сурхондарё вилоятидаги маҳалларда Наврўз байрамига бағишланган тадбирлар "Дўстлик ва ҳамжиҳатлик улугланган юрт", "Ватан ягона-дир, Ватан биттадир", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжиҳатликда", "Дўст билан обод уйимиз", "Қўлчилик — минг йилчилик", "Бирлашган ўзаро", "Буюк келажакни бирга қўрамиз" шiorлари остида ўтказилмоқда.

Хурсандчилик, қувонч бардавом бўлсин!

Ўзаро тотувликини, дўстлигини тараннум этувчи байрам тантаналари Сурхон воҳасининг барча ҳудудлари — шаҳар ва туман марказларидан тортиб, чегара ҳудудларда жойлашган энг олис маҳалларда ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

— Байрамда ўзбек ва тожик миллатлари ўртасидаги тотувлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик ва аҳиллик, миллий қадрият ҳамда урф-одатлар кўрсатиляпти, — дейди меҳнат фахрийси Чори Раимов. — Жарқўрган туманимизда "Миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик" шiori остидаги тадбирда қатнашдик. Байрам туманининг Тожикистонга чегарадош Камар маҳалласида ўтказилди. Наврўз бахона қўлаб тожикистонлик қон-қардошлар келишиди, чегаралар очик, бизниқиларини улардан, уларни биздан ажратиб бўлмайдми. Биз асрлар давомида ёнма-ён, қадриятлари ҳам, аънаналари ҳам аралашиб кетган битта халқ бўлганимизнинг исботи бу.

Узун туманининг Тожикистон билан чегарадош энг чеқка ҳудуди — Урмончи маҳалласида ҳам тожик миллатига мансуб аҳоли халқимиз билан азалдан дўст-қардош бўлиб яшаб келмоқда.

Аммо орада шундай пайтлар бўлдики, чегаралар тақа-тақ ёпилиб, ўзаро борди-келди ришталари узилиб, замона зайли билан Ўзбекистонга келин бўлиб тушган қиз уёқда қолган ота-онани билан кўриша олмай, йиғлаб-сиқтаб яшаган ҳам бор гап. Бу қийинчиликлар ҳозир шу маҳалла раиси бўлиб ишлаётган Манзура Алиқулловани ҳам четлаб ўтган эмас.

— Нариги юрта келин бўлиб кетган опа-сингилларимизни узок йиллар кўрмасдик, телефонлашим ҳам бир масала эди. Юрак ҳовучлаб, душманга чиқиб қолмасанимиз деб кўрардик. Шунда пичирлаб, умидсизланиб, таскин топиб, ҳар баҳор қалдиригоч келганида "Қалдиригоч, гоч-гоч, эшигингни оч-оч, мен жигарларимни кўрайин, дердим". Мана, ҳозир

бизга дийдорлашим бахти берилдики, шукрлар айтаман. Бунинг тотини, қадрини ўзимдан сўранг, — дейди "Урмончи" МФЙ раиси Манзура Алиқуллова.

Бундан бир неча йил олдин Сурхондарё вилоятининг Узун туманидаги Боботого маҳалласининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида чорак аср давомида ёпилиб қолган ўттиш пункти очилиши икки халқ учун улуг узоқ йиллар орзу қилган ноёб тухфага айланди.

Шундан буён бу кичик пункт орқали жами 6287 та автомобиль ва 50 мингдан ортқ фуқаро ҳаракатланган.

Аваллари улар бир неча юзлаб чакирим масофа босиб қўшни мамлакатга ўтган бўлса, бугун 1 соатга қолмай манзилга етишяпти. Очилган йўллар савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ҳамкорлик тикланишига ҳам туртки бўляпти.

— Маҳалламизни қўшни давлат билан биргина Кофарниҳон дарёси ажратиб туради. Нариги томон — Тожикистон. У томонда ҳам минглаб қариндош-уруғ, дўст-биродарлар яшаб келади. Йиллар давомида уйи кўриниб, ўзи билан дийдорлашолмас эдик. Шукрки, дийдор на-сиб этди, — дейди шу маҳалланиқ Файзулло Маматов.

Сурхондарё вилояти чегара ҳудудларидаги транспорт ва логистика инфратузилмасини



яхшилаш йўлида сўнгиги йилларда бир қатор муҳим ишлар қилинди.

Бу жараёнда кейинги йилларда Термиз туманидаги "Ўлбоҳор" чегара ўтказиш пункти очилиши айни вақтда нафақат икки давлат фуқаролари, балки кенгроқ минтақавий ҳамкорлик учун ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида божхона ва чегара назорати тизими модернизация қилинди, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёни электронлаштирилди. Бу эса йўловчилар, савдо-сотик билан шугўлланувчи тадбиркорлар учун ҳам айни муддао бўлди.

"Ўлбоҳор" чегара ўтказиш пунктининг аҳамиятини аниқ рақамларда кўриш мумкин. 2024 йил давомида бу ердан 247 мингдан зиёд киши чегарани кесиб ўтган. Кунлик ўртача ҳаракат 677 кишини ташкил этган. 2025 йилнинг январь-март ойлариде эса 60 мингга яқин киши ушбу пунктдан фойдаланган. Бу ҳам бир вақтлар ҳафталаб, ойлаб онда-сонда бир-икки бир ўтиб-кайтилган чегара пунктининг аҳамияти, шароити, икки халқнинг бир-бирига интилишининг ифодаси, дейиш мумкин.

Мазкур чегара ўтказиш пункти фуқаролар ва тадбиркорлар учун катта қулайликлар

**Сарвар ТўРАЕВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.